

**КОМПЬЮТЕР-ТОМОГРАФИК ГЕРНИОАБДОМИНОМЕТРИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ГЕРНИОПЛАСТИКА УСУЛИНИ
ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Нуриллаева Хадича Жамшид қизи

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Долзарблиги. Операциядан кейинги вентрал чурраларни жарроҳлик даволашда асосий муаммолардан бири — пластика усулини патологик жараён кўламига мос ҳолда танлашдир. Чурра дефектини мажбуран ёпиш қорин ичи босимининг ошиши ва компартмент синдроми ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу боис герниопластика усулини объектив, миқдорий мезонлар асосида танлаш долзарб аҳамиятга эга.

Материал ва усуллар. Операцияга олинган 58 нафар беморда компьютер-томографик герниоабдоминометрия маълумотлари асосида пластика усули танланди. Чурранинг нисбий ҳажми $\leq 14,0\%$ бўлганда реконструктив герниоаллопластика, $\geq 14,1\%$ бўлганда эса коррекциялаш герниопластикаси кўрсатма ҳисобланди. Реконструкцияни бажариш мумкинлигини баҳолашда чурра дарвозалари четларини яқинлаштиришда қорин ичи босими ошиши белгилари (ҳансираш, пульс тезлашуви, гипотония) кузатилмаслиги асос қилиб олинди.

Натижалар ва муҳокама. Кичик ва ўрта ҳажмли чурраси бўлган 31 нафар (53,4%) беморга реконструктив операциялар бажарилди, бунда қорин девори анатомияси ва функцияси тўлиқ тикланди. Катта ва гигант чурралари, узоқ муддатли чурра кўтариши ва қорин деворидаги аниқ дегенератив

Ўзгаришлари бўлган 27 нафар (46,5%) беморга коррекциялаш операциялари ўтказилди. Дегенератив ўзгаришлар чурра кўтариш муддати билан боғлиқ бўлиб, 3 йилгача 30%, 10 йилгача 80%, 10 йилдан ортиқда 100% ҳолатда аниқланди. Танлов мезонларига асосланган тактика операциядан кейинги асоратлар ва рецидив частотасини камайтириш, компартмент синдроми ривожланишининг олдини олиш имконини берди.

Хулоса. Компьютер-томографик герниоабдоминометрия маълумотлари асосида герниопластика усулини — реконструктив ёки коррекциялаш — танлаш функционал жиҳатдан кўтариладиган пластика ҳажмини белгилаш имконини беради. Бундай дифференциал ёндашув операция натижаларини яхшилайти ҳамда компартмент синдроми ва чурра рецидиви хавфини камайтиради.